


“NAVOIY  
KON-METALLURGIYA  
KOMBINATI”  
AKSIYADORLIK JAMIYATI



“NAVOI MINING AND  
METALLURGICAL  
COMPANY”  
JOINT-STOCK COMPANY

2026 yil “ 7 ” mart № 188

Navoiy sh.

## BUYRUQ

Комиссия таркибини  
тасдиқлаш тўғрисида

“НКМК” АЖнинг 2026 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги “Давлат харидлари тизимида рақобат муҳитини ва шаффофлигини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 259-сонли фармони ижросини таъминлаш бўйича 40-сонли буйруғининг 2-банд 16-хатбоши ижросини таъминлаш мақсадида,

### Б У Ю Р А М А Н:

1. “НКМК” АЖнинг потенциал етказиб берувчиларни дастлабки малака танловидан ўтказиш, шунингдек, тузилган шартномалар бўйича етказиб берувчиларнинг фаолиятини баҳолаш бўйича комиссияси таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. “НКМК” АЖнинг энг яхши таклифларни танлаш, тендер ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари турлари бўйича товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича комиссияси таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2021 йил 29 сентябрдаги 10-сон, 2021 йил 1 декабрдаги 27-сон, 2022 йил 3 августдаги 491-сон, 2022 йил 15 декабрдаги 774-сон, 2023 йил 27 июндаги 349-сон, 2024 йил 5 августдаги 515-сон ҳамда 2024 йил 22 августдаги 569-сон буйруқлари бекор қилинсин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш харидлар бўйича директор М.Амонов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси -  
Бош директор



Қ. Санақулов

Ижр. Идунова Е.В.  
Тел. 227-7631

2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли буйруққа 1-илова

**“НКМК” АЖнинг потенциал етказиб берувчиларни дастлабки  
малака танловидан ўтказиш, шунингдек, тузилган шартномалар бўйича  
етказиб берувчиларнинг фаолиятини баҳолаш бўйича комиссияси  
таркиби**

**Комиссия раиси:**

Х.Ю.Хайитов - Моддий – техник таъминот бошқармаси бошлиғи

**Комиссия аъзолари:**

А.А.Фадеев - Молия бошқармаси бошлиғи

Р.Ф.Авезов - Комплаенс хизмати бошлиғи

Д.М.Иткина - Юрисконсулт

Е.В.Идунова - Таъминотчилар билан муносабатлар, харидлар методологияси ва жараёнларини автоматлаштириш бўйича бўлим бошлиғи в.б.

\*комиссиянинг доимий бўлмаган аъзоси - Харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларни номенклатураси бўйича Моддий – техник таъминот бошқармаси бўлими бошлиғи

\*комиссиянинг доимий бўлмаган аъзоси - Харид ташаббускори раҳбари (фаолият йўналиши бўйича бош мутахассис)

**Комиссия котиби:**

А.А.Норбоев - Таъминотчилар билан муносабатлар, харидлар методологияси ва жараёнларини автоматлаштириш бўйича бўлим муҳандиси

Комиссия аъзоси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда ёки бошқа лавозимга ўтган тақдирда, комиссия аъзоси сифатида ушбу лавозимни эгаллаган шахс белгиланади.

Мажлисида харид комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, харид комиссияси мажлиси ваколатли ҳисобланади.

Комиссиянинг ташкилий фаолияти комиссия котиби томонидан юритилади.

Комиссия котиби комиссия аъзоси эмас ва комиссия қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

\*Комиссиянинг доимий бўлмаган аъзоси автоматик тарзда эҳтиёж номенклатураси турига қараб белгиланади.

**“НКМК” АЖнинг товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш  
бўйича харид комиссияси таркиби**

**Комиссия раиси:**

А.Ф.Равшанов - Бош муҳандис.

**Комиссия раисининг  
ўринбосарлари:**

М.Ў.Амонов - Харидлар бўйича директор.

**Комиссия аъзолари:**

С.А.Исунц - Ишлаб чиқариш бўйича директор. (Асосий фаолият бўйича харидларда);

К.И.Расулов - Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи (Инвестиция лойихалари бўйича харидларда);

Х.Ю.Хайитов - Моддий – техник таъминот бошқармаси бошлиғи;

Е.А.Данилина - Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси бошлиғи;

А.Н.Джуматов - Даъволар билан ишлаш бўйича мутахассис;

\*комиссиянинг доимий бўлмаган аъзоси - Харид ташаббускори раҳбари (фаолият йўналиши бўйича бош мутахассис).

**Комиссия котиби:**

Г.Х.Джураева - Эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бўлими муҳандиси.

Комиссия аъзоси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда ёки бошқа лавозимга ўтган тақдирда, комиссия аъзоси сифатида ушбу лавозимни эгаллаган шахс белгиланади.

Мажлисида харид комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, харид комиссияси мажлиси ваколатли ҳисобланади.

Комиссиянинг ташкилий фаолияти комиссия котиби томонидан юритилади.

Комиссия котиби комиссия аъзоси эмас ва комиссия қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

\*Комиссиянинг доимий бўлмаган аъзоси автоматик тарзда эҳтиёж номенклатураси турига қараб белгиланади.